

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA‘LIMI
VAZIRLIGI**

100011, Toshkent, Navoiy ko‘chasi, 2a-uy
Tel.: (+998) 71 241-01-86; (+998) 95 479-99-08
web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz



**MINISTRY OF PUBLIC
EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

2a, Navoiy Street, Tashkent, 100011
Tel.: (+998) 71 241-01-86; (+998) 95 479-99-08
web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz

«21» январь 2022-у.
03-03/1-181 - son

КЎРСАТМА ХАТ!

**Қорақалпоғистон Республикаси
халқ таълими вазирлиги, Тошкент
шаҳар халқ таълими бош
бошқармаси ва вилоят халқ
таълими бошқармалари
бошлиқларига**

**Туман (шаҳар) халқ таълими
бўлими мудирларига**

**Республика таълим
муассасалари раҳбарларига**

Коронавирус инфекциясининг янги штамми болалар ва ёшлар ўртасида тарқалиш хавфини олдини олиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг таклифларидан келиб чиқиб 24 январдан бошлаб мактаблардаги таълим жараёни **бир ой муддат давомида “онлайн” шаклда** олиб борилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармонининг 17-бандига мувофиқ давлат бюджетидан молиялаштирилладиган ва ўз фаолиятини тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ходимларининг **иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилишини таъминлаш** назарда тутилган.

Шу муносабат билан, таълим жараёни **“онлайн” шаклда амалга ошириладиган даврда** Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида ишлайдиган ходимларнинг иш ҳақи тўловларини ўз муддатида тўланишини ташкил этиш мақсадида:

 info@xtv.uz



 O‘zbekiston Respublikasi
Xalq ta‘limi vazirligi



 www.uzedu.uz



 t.me/uzedu



 facebook.com/uzedu



 instagram.com/uzedu.uz

Биринчидан, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари, шу жумладан педагог ходимлар, ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бераётган ўқитувчилар меҳнатига 2022 йил учун тасдиқланган штатлар жадваллари ва тарификация рўйхатларига мувофиқ **иш ҳақи тўловлари сақланган ҳолда тўлиқ тўлаб берилсин**;

Бунда:

Ўриндошлик асосида (соатбай ҳақ тўлаш асосида) фаолият юритаётган ўқитувчиларга фақатгина **тарификация рўйхатларида ажратилган дарс соатлари учун ҳақ тўланиши**;

мактабдан ташқари таълим муассасалари тўғарак раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш ушбу муассасаларда жорий йил 21 январга қадар шакллантирилган гуруҳлар ва жалб этилган ўқувчилар сонидан келиб чиққан (ота-оналардан томонидан бадал тўловлари амалга оширилмаса ҳам) ҳолда амалга оширилиши ҳамда қўшимча гуруҳлар ташкил этилмаслиги инобатга олинсин.

Иккинчидан, 2022 йил 24 январдан бошлаб таълим муассасаларининг бўш (вакант) дарслари ходимлар ўртасида тақсимот қилиниши тўхтатилсин (ҳомиладорлик ва туғиш таътили, бола парваришlash таътилидан уларнинг розилиги билан қайтариш ҳолатлари бундан мустасно).

Бунда, таълим **“онлайн” шаклда олиб борилиши даврида** умумтаълим муассасаларида тарификация рўйхатларига Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Учинчидан, озиқ-овқат захирасини шакллантирган ихтисослаштирилган ва махсус мактаб-интернатларига:

озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи ташкилотлар билан биргаликда таълим **“онлайн” шаклда олиб борилиши даврида** ортиб қолган маҳсулотларни сақлаш ёки уларни (дастлаб харид қилинган нархлардан паст бўлмаган нархларда) реализация қилиш орқали маблағларни тегишли шахсий ҳазна ҳисобрақамларига тушириш чораларини кўриш;

озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича иқтисод қилинган маблағларни кейинги даврлар учун харид қилиниши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотларига йўналтириш тавсия этилсин.

Мазкур кўрсатмани ўз вақтида амалга ошириш учун **биринчи раҳбарлар шахсан** жавобгар ҳисобланади.

Вазир ўринбосари

Т. Комилов